

Куръони Каримнинг сураларини ўқиш инсон тушунчасининг мохиятини англашга катта ёрдам беради. Лукмон сурасининг 13-оятда Лукмон Хақимнинг ўз ўғлига насиҳат қилиши орқали бизга ажойиб сабоқ берилаган:

«Эсланг, Лукмон ўғлига насиҳат қилиб деган эди: «Эй, ўғилчам! Аллоҳга ширк келтирмагин! Чунки, ширк улкан зулмдир»».

Яна Лукмон сурасининг 16-оятда Лукмони Хақимнинг ўз ўғлига:

«(Лукмон яна деди): «Эй, ўғилчам! Шубҳа йўқки, агар хантал (ўсимлигининг) уругидек (яхши ёки ёмон амал қилинадиган) бўлса, бас, у (амал) бирор харсанг тош ичида ё осмонларда ёки ер остида бўлса, ўшани ҳам Аллоҳ келтирур. Зеро, Аллоҳ лутфли ва огоҳ Зотдир»» деган эди.

Лукмон сурасининг 17,18,19-оятларида Лукмони Хақим яна давом этади:

«Эй, ўғилчам! Намозни барқамол адо эт, яхшилиққа буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (балолар)га сабр қил! Албатта, мана шу пухта ишлардандир. Одамларга (қибрланиб) юзингни буриштирмагин ва ерда қерилиб юрмагин! Чунки Аллоҳ барча қибрли, мактанчок қимсаларни суймас. (юрганингда) Ўртаҳол юргин ва овозингни паст қилгин! Чунки овозларнинг ёқимсизлиги эшаклар овозидир».

Исро сурасининг 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29-оятлари Куръони Карим инсонга хос бўлган кўрсатмаларни бериб шундай марҳамат қилади:

«Аллоҳга яна бирор «илоҳ»ни қўша қўрманг! Акс ҳолда қораланувчи ва маҳрум ҳолда ўтириб қолурсиз. Раббингиз Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилиқ қилишни амр этди. (Эй, инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда қексалиқ ёшига етсалар, уларга «уф!..» дема ва уларни жерқима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт. Уларга, меҳрибонлик билан, ҳорлик қанотини паст тут ва (дуода) айт: «Эй, Раббим! Мени (улар) гўдақлик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!» (Эй, инсонлар!) Раббингиз дилларингиздаги нарса (сир)ларингизни яхши билувчидир. Агар сизлар солих бўлсангиз, албатта, У тавба қилувчиларни мағфират этувчидир. Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эхсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки исрофгарлар шайтоннинг биродарларидир. Шайтон эса Парвардигорига нисбатан ўта ношукр эди. Агар сиз Раббингиз (томони)дан бўладиган марҳаматдан умидвор ҳолингизда улардан (қариндош, мискин ва йўловчилардан) юз ўгирадиган (ёрдам бермай-диган) бўлсангиз, у ҳолда уларга юмшоқ сўз айтинг! (Баҳиллик қилиб) қўлингизни бўйнингизга ҳам боғлаб олманг. (Исрофгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёйиб ҳам юборманг! Акс ҳолда, маломат ва маҳрумликда ўтириб қолурсиз».

Фурқон сурасининг 63, 64, 65, 66, 67-оятларида:

«Раҳмоннинг (суюқли) бандалари ерда қамтарона юрадиган, жохил қимсалар (бемаъни) сўз қотганда «Саломатлик бўлинг!» деб жавоб қиладиган қишилардир Улар яна тунларни Парвардигорга сажда қилган ва тик турган (бедор) ҳолда ўтказадиган қишилардир. Улар: «Парвардигоро, Узинг бизлардан жаҳаннам азобини даф этгин. Дарҳақиқат, унинг азоби ҳалокатлидир. Дарҳақиқат, у энг ёмон қароргоҳ ва энг ёмон мақомдир», дейдиган қишилардир Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, ҳасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) бунинг ўртасида – мўътадилдир» деб марҳамат қилинади. Бундай ҳислатларга эга бўлган қишилар дунёдаги энг солих ва Аллоҳнинг суюқли

бандаларидир. Инсон бу хислатларни ўзида мужассам кила олса, ҳам Хак, ҳам халқнинг хизмати килган ва тўғри йўлни тутган бўлади.